

# “ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ” курси



## 9-МАВЗУ. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ЖАРАЁНИДА МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

*Алиқориев Олимхон – и.ф.н., доц., Олий бизнес мактаб*

*Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи*

Ҳар қайси тадқиқотчи ўз тадқиқотларини олиб бориш жараёнида илмий раҳбар, дўстлар, мутахассислар ёрдамидан кенг фойдаланишига қарамасдан хато қилмасдан ўз илмий ишини яқунлашининг деярли имкони йўқ.

Бундан ташқари сиз ўз режа-асосномангизда режалаштирган масалалар сизга боғлиқ бўлмаган омиллар туфайли амалга ошмай қолиши мумкин ва бунда сиз бирламчи режага бирор бир ўзгаришларни киритишга ҳаракат қилишингиз керак бўлади.

## ИЛМИЙ ИШНИ БОШЛАШ МУАММОСИ

**Муаммо:** Сиз тадқиқотни бошлай олмаяпсиз, чунки умуман тадқиқот нима эканлиги ҳақида тушунчангиз йўқ ва сиздан ўзи нима талаб қилинаётганлигини тушунмаяпсиз.

1. Тадқиқотларнинг табиати, моҳияти ва мақсадлари ҳақида кўпроқ ўқинг ва қандай тадқиқот турлари мавжудлигини ҳам билиб олинг.
2. Тадқиқот мавзуингизни аниқлаб олинг
3. Тадқиқот муаммосини топиб олинг
4. Тадқиқотингизни лойиҳалаштиринг
5. Маълумотларни тўпланг
6. Маълумотларни таҳлил қилинг
7. Тадқиқот бўйича ёзиш жараёнини бошланг

# ЖАРАЁННИ БОШҚАРИШ МУАММОСИ

**Муаммо:** Сиз бошлашга тайёрсиз, лекин тадқиқот лойиҳасини қандай бошқаришиз бўйича ҳавотир мавжуд.

1. Диссертациянгизни қачон топширишингиз кераклиги ҳақида аниқ билиб олинг.
2. Айнан сизнинг тадқиқотингизга мос тадқиқот жараёнларини бошқаришга оид маълумотларни ўқинг, ҳар бир босқич учун вақт чегарасини аниқлаб олинг, ўз илмий раҳбирингиз билан буларни келишинг (2-мавзу).
3. Ўз билимингиз, кўникмаларингиз ва шахсий ҳислатларингизни вақтдан унумли фойдаланиш учун самарали равишда ишлатинг (3-мавзу).

# ТАДҚИҚОТ МАВЗУСИНИ ЁКИ МУАММОСИНИ АНИҚЛАБ ОЛИШ МУАММОСИ

**Муаммо:** Сиз мос келувчи бирор бир мавзу ёки тадқиқот муаммосини топа олмаяпсиз.

1. Ақлий ҳужум, аналогиялар, ақлий хариталаш, морфологик таҳлил ва долзарблик дараҳти каби усуллардан фойдаланиб ўз илмий даражангизга мос тадқиқот мавзусини генерация қилишга ҳаракат қилиб кўринг (3-мавзу).
2. Ўз кўникмаларингиз, потенциал харажатлар, маълумотларга эришиш ва этика масалаларини ҳисобга олинг (3-мавзу).
3. Ўз ғояларингизни илмий раҳбарингиз билан муҳокама қилинг (2-мавзу).
4. Тадқиқот мавзусини аниқлаб олганингиздан сўнг, адабиётлар шарҳини амалга оширинг ва мавзу доирасида ҳали ўрганилмаган муаммоларни топишга ҳаракат қилинг (6-мавзу).

## ДАСТЛАБКИ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОСИ

**Муаммо:** Сизда тадқиқот мавзуси бор, лекин дастлабки ҳаракатларни нималардан бошлаш ва режалаштиришни билмаяпсиз.

1. Мавзуга тегишли энг муҳим илмий мақолаларни ва бошқа материалларни тўплашни бошланг (6-мавзу).
2. Айнан тадқиқот муаммосига тегишли чоп этилган материаллар ва мақолаларни қидиринг (6-мавзу).
3. Режа-асосномангиз учун, тадқиқот саволларига етакловчи адабиётлар шарҳини амалга оширинг (6-мавзу).
4. Маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун мос келадиган усулларни қайсиларидан фойдаланишингиз ҳақида қарор қабул қилинг. Нима сабабдан айнан шу усулларни тангаланингизни режа-асосномангизнинг (7-мавзу) методология қисмида асослаб беринг.

# НАЗАРИЙ РАМКАНИ ТОПИШ МУАММОСИ

**Муаммо:** Мос келадиган назарий рамкани тадбиқ этишдаги қийинчилик туфайли тадқиқотнинг режа-асосномасини ёза олмаяпсиз.

1. Ўз тадқиқотингизнинг аниқ мақсадларини ифода эта олганингизга (7-мавзу) ва адабиётлар шарҳини амалга оширганингизга иқроп бўлинг (6-мавзу).
2. Шунда сиз бошқа ҳудди сизни мавзуингизга яқин мавзудаги тадқиқотларда ишлатилган модель ва назариялар асосида ўзингизнинг назарий рамкангизни тузишингиз мумкин бўлади (7-мавзу).
3. Сўнг сиз таҳлил бирлигини ва тадқиқот саволларингизга жавоб топишда ёрдам берувчи тестдан ўтказиладиган гипотезангизни аниқлаб олишингиз мумкин бўлади (7-мавзу).

# РЕЖА-АСОСНОМАНИ ЁЗИШДАГИ МУАММО

**Муаммо:** Режа-асосномани илмий раҳбар қабул қиладиган даражада қандай ёзиш кераклиги борасида саволлар мавжуд

1. Биринчи режа-асосноманинг структурасига эътибор қаратинг ва ҳар бир секциясида нималарни ифодалаш кераклигини ўрганинг (7-мавзу).
2. Режа-асосномангизнинг катта қисмини сизнинг дастлабки адабиётлар шарҳи ташкил этади. Унда энг таъсири (импакт) юқори бўлган мақолалар ва бошқа чоп этилган манбаларга эътибор қаратилади ҳамда ушбу дастлабки адабиётлар шарҳи тадқиқотингиздаги тадқиқот саволларига олиб келиши лозим (6-мавзу).
3. Режа-асосномада харажатлар билан боғлиқ масалаларни, маълумотларга эришишга оид масалаларни, этика масалаларини қандай ечишингизни айтиб ўтишингиз лозим (3-мавзу).

## РЕЖА-АСОСНОМАНИ ЁЗИШДАГИ МУАММО

**Муаммо:** Режа-асосномани илмий раҳбар қабул қиладиган даражада қандай ёзиш кераклиги борасида саволлар мавжуд

4. Тадқиқот муаммосини аниқлаб олинг ва шунга тегишли асосий мақола ва чоп этилган материалларни қидиринг (6-мавзу).
5. Режа-асосномада фойдаланиладиган дастлабки адабиётлар шарҳини ўтказинг ва улар сизнинг тадқиқотингизнинг тадқиқот саволларига етакласин (6-мавзу).
6. Маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун мос келадиган усулларни қайсиларидан фойдаланишингиз ҳақида қарор қабул қилинг. Нима сабабдан айнан шу усулларни тангаланингизни режа-асосномангизнинг методология қисмида тадқиқот дизайнининг чекловларини ёритган ҳолда асослаб беринг.
7. Кутилаётган тадқиқот натижаларини ёзинг ва тадқиқот жараёнидаги турли босқичларга оид вақт-жадвалини тузинг (7-мавзу).

# МЕТОДОЛОГИЯ БОРАСИДАГИ МУАММОЛАР

**Муаммо:** Қайси методологияни ишлатиш бўйича қарор қабул қила олмаяпсиз

1. Тадқиқотда кўрилиши режалаштирилган муаммо ёки масала томонидан ва тадқиқот парадигмаси томонидан қўйиладиган чекловлар (7-мавзу) ҳақида ўйлашдан бошланг.
2. Танлаган тадқиқот парадигмангизда одатда қайси методология қўлланилишини ўрганинг.

# АДАБИЁТЛАРНИ ҚИДИРИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ МУАММОЛАР

**Муаммо:** Керакли мақолаларни топа олмаяпсиз ва адабиётлар шарҳини амалга ошира олмаяпсиз.

1. Қидиришни бошлашдан аввал тадқиқотингизга тегишли ибораларни ва тадқиқот қамровини аниқлаб олишингиз керак (6-мавзу).
2. Сўнг тизимли қидирувни бошлашингиз керак (6-мавзу).
3. Адабиётлар шарҳини ёзаётганда манбаларни қайд қилиб бораётганингизга ва плагиат йўқлигига эътибор қаратишингиз керак.
4. Адабиётлар шарҳини ёзганда ўқиганларингизнинг рўйхатини тузиб қўйиш ўрнига таҳлилий ёндашувни қўллашингиз керак (6-мавзу). Адабиётларда мавжуд бўшлиқлар (яъни ўрганилмаган масалалар) ва камчиликларни таҳлили қилиб диссертациянгизни ўқиётган кишини тадқиқот саволига етаклашингиз мумкин бўлади.

# МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЎПЛАШ БОРАСИДАГИ МУАММОЛАР

**Муаммо:** Тадқиқотга оид маълумотларни қандай қилиб тўплаш кераклиги бўйича бир қарорга кела олмайсиз.

1. Биринчи навбатда тадқиқот муаммосининг табиати ва унга тегишли маълумотларга эришиш учун нималар кераклигини аниқлаб олинг (6-мавзу).
2. Сўнг тадқиқот парадигмангиз ва методологиянгиздан келиб чиққан ҳолда яна бир бор фикр юритинг.
3. Бу сизга маълумотларни тўплаш учун керакли бўладиган усулларни аниқлаб олишга ёрдам беради. Маълумотларни тўплаш усуллари кейинчалик маълумотларни таҳлил қилиш усуллари контекстида кўрилиши лозим.

# СИФАТ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ОИД МУАММОЛАР

**Муаммо:** Сиз сифат маълумотларини тўплашга қарор қилдингиз, лекин таҳлилни қачон бошлаш кераклигини билмаяпсиз.

1. Тадқиқот маълумотларини тўплашни бошлаганингизда қайси методологиядан фойдаланишингиз ҳақида бир қарорга келиб бўлган бўлишингиз керак (5-мавзу) ҳамда маълумотларнинг ишончилиги ва мослигини масалаларини ҳисобга олишингиз керак.
2. Бирламчи маълумотларни тўплашда қайд этиш воситаларидан фойдаланганда (видеокамера, аудио қайд этиш ускуналари) ёзма қайдларни ҳам олиб боришни унутмасилик лозим.
3. Иккиламчи маълумотларни тўплаётган бўлсангиз тизимли ёндашув амалга оширганингизга ишонч ҳосил қилинг.
4. Сифат маълумотларини тўплаш жараёнида маълумотлар ҳажмини камайтиришга ёрдам берувчи усуллар (реструктуризация, детекстуализация)дан фойдаланинг.

# ТАДҚИҚОТ МАЛУМОТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ БОРАСИДАГИ МУАММОЛАР

**Муаммо:** Тўплаган маълумотларингизни қандай таҳлил қилишни билмаяпсиз.

1. Сизнинг тадқиқотингиз парадигмаси позитивистик ёки интерпритивистик эканлигини аниқлаб олинг.
2. Агар сизда позитивистик парадигма танланган бўлса маълумотларнинг аксарияти рақамлар кўринишида бўлади, демак сиз статистик усуллардан фойдаланишингиз мумкин бўлади. Сифат маълумотларингизни эса рақамлаштиришингизга тўғри келиши мумкин.
3. Барча позитивистик ёндашувдаги тадқиқотчилар тасвирий статистика усулларида фойдаланишади, лекин магистратура ва докторантура талабалари инференциал статистика усулларида фойдаланишлари зарур бўлади.
4. Интерпритивистлар тўпланган сифат маълумотларини миқдорлаштирилган ёки миқдорлаштирилмаган усуллардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилишлари мумкин.

# ДИССЕРТАЦИЯНИ СТРУКТУРАЛАШ БОРАСИДАГИ МУАММОЛАР

**Муаммо:** Диссертациянгизни қандай қилиб структуралашни билмаяпсиз.

1. Асосий бобларни кўрсатувчи намунавий структурадан фойдаланинг (8-мавзу).
2. Ҳар бир бобга нималар киритилиши кераклиги ҳақида ўқинг (8-мавзу) ва ҳар бир бўлимни номлаб чиқинг. Бобларнинг бир-бирига боғлиқлигини сақлаб қолиш учун ҳар бир боб ўзига хос кириш ва хулосаларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.
3. Ҳар бир бобга мос равишда тахминий сўзлар сонини режалаштиринг (8-мавзу).
4. Охирида натижа ва топилмаларингиз қандай кўринишда (жадвал, рўйхат, диаграмматик чизма) бўлиши бўйича қарор қабул қилинг.

# ДИССЕРТАЦИЯНИ ЁЗИШ БОРАСИДАГИ МУАММОЛАР

**Муаммо:** Диссертациянгизни қандай қилиб ёзиш кераклиги борасида ҳавотирларингиз мавжуд.

1. Энди барча маълумотлар тайёр бўлгандан сўнг, диссертациянинг умумий дизайни ҳақида ўйлаб кўришингиз керак (8-мавзу).
2. Сиз бу босчиқда диссертациянинг адабиётлар шарҳи, методология ва таҳлил бобларини тугатиш арафасида турасиз. Хулоса бобининг қоралама вариантыни ёзиб бўлганингиздан сўнг кириш бобини режа-асосномангиз асосида ёзинг. Сўнг барча бобларда бир хил иборалардан фойдаланингизни ва тадқиқот мақсади ҳамда тадқиқот саволларини ифода этишда ҳар хилликка йўл қўйилмаганлигини текшириб кўринг.
3. Барча иқтибос қилинаётган манбаларни фойдаланган адабиётлар рўйхатига киритинг. Плагиатга йўл қўйманг ва университетингиз талаб қилаётган адабиётларни иқтибос қилиш тизимиغا риоя қилинг (6- ва 8-мавзулар).

# “ЎЗУВЧИ БЛОКИ” ҲОЛАТИГА ТУШИБ ҚОЛИШ МУАММОСИ


**Муаммо:** Диссертацияни ёзиб тугатишга озгина қолган, лекин “ёзувчи блоки”га тушиб қолгансиз.

1. Муаммоли ҳисобланган бўлимни ёзишдан тўхтанг ва диссертациянинг бошқа бўлимларини ёзишга ўтинг.
2. Альтернатива сифатида умуман бошқа вазифаларни бажаришга ўтиб тулинг, мисол учун адабиётлар рўйхатини тартибга солиш ва текшириш, диаграмма ва жадвалларни тайёрлаш, грамматик ва имло хатоларини текшириш, ёки ёзиш сифатини ошириш учун сўзлар ва ибораларнинг синонимларини қидириш каби.
3. Ақл харитасини тузиш ёки диаграмма ва чизмалар орқали ўз фикрингизни тартибга солишга ҳаракат қилинг. Бундан ташқари шу вақтгача муаммоли бўлим бўйича ёзганларингизнинг афзал ва заиф томонларини ёзиб чиқинг. Бу ишни аудио тасмага ёзиш орқали ҳам амалга оширишингиз мумкин.
4. Ўз илмий раҳбарингиз ёки курсдошингиз билан ақл ҳужумини уюштилинг.

# СТАНДАРТЛАРГА МОС КЕЛИШ МУАММОСИ

**Муаммо:** Сизда ёзган диссертациянгиз талаб қилинадиган стандартларга мос ёки мос эмаслигига оид ҳавотир мавжуд.

1. Стандартга мос келиш борасида сиз учун энг асосий манба бу университетингиз томонидан тақдим этиладиган Магистрлик диссертациясини ёзиш бўйича Низом ёки Услубий Кўрсатмадир.
2. Қўйилаётган талабларга қай даражада жавоб бераётганингизни ўз илмий раҳбарингиз билан ҳам муҳокама қилиингиз мумкин.
3. Яхши диссертациянинг бир қатор умумий тавсифлари мавжуд (1-мавзу), бундан ташқари ҳар бир илмий даража босқичларида умумқабул қилинган талаблар бўйича маълумотлар билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир (8-мавзу).



# АННОТАЦИЯ

**АННОТАЦИЯ** (лот. *annotatio* - қайд) - қисқача [таъриф](#).  
Китоб, мақола, [қўлёзма](#) мундарижасини, ғоявий-сиёсий  
йўналишини ва бази жиҳатларини очиб беради.

**АННОТАЦИЯ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК (РУС)  
ТИЛЛАРИДА ЁЗИЛАДИ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ  
ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ**

**Магистратура дастури: 5A230203**

**Магистрант: Усмоналиев Б.У.**

**Кафедра: «Инвестиялар ва лойиҳа  
бошқаруви»**

**Илмий раҳбар: Алиқориев О.Ф.**

**Ўқув йили: 2020/2021**

**Мутахассислиги: Лойиҳа бошқаруви**

**МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ**

# АННОТАЦИЯ ШАРТЛАРИ

- Мавзунинг асосланиши ва долзарблиги.
- Тадқиқот мақсади ва вазифалари
- Тадқиқот объекти ва предмети
- Тадқиқотнинг илмий янгилиги
- Тадқиқотда методикаси тавсифи
- Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти
- Хулоса қисми
- Диссертация ишининг тузилиши

## **МАВЗУНИНГ АСОСЛАНИШИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ.**

Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ривожлантиришга давлат миқёсида аҳамият берилмоқда. Чунки суғурта хизматларининг ривожланиши мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсишига ижобий таъсир қилади. Суғурта хизматлари орқали жисмоний ва юридик шахслар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган турли зарарларнинг таъминоти пайдо бўлади.

Бироқ мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча катта эмас. Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикада суғурта хизматлари салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Ривожланган хорижий давлатларда эса суғурта хизматларидан максимал даражада фойдаланилади. Ҳеч бир соҳа ёки фаолият тури суғурта қилинмаган ҳолда амалга оширилмайди. Бизда эса аксинча, суғурта хизматларига ва умуман суғурта соҳасига эътибор у қадар сезиларли эмас.

Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорини барқарор ривожланишини таъминлашда суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини қўллаш самарали натижа бериши мумкин.

# ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон шароитида суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқарувининг РМІ РМВОК моделини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

# **ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ**

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, суғурта хизматлари соҳасида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бўлиб, суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини қўллашда вужудга келадиган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

## ТАДҚИҚОТНИНГ ИЛМИЙ ЯНГИЛИГИ

Суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини қўллаш натижасида: суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлиги ва хизматлар сифатини таъминлаш бўйича бизнес-моделини ишлаб чиқиш таклиф этилди;

суғурта хизматларида лойиҳа бошқарувининг механизми ва лойиҳани амалга ошириш самарадорлигини баҳолашнинг комплекс алгоритми ишлаб чиқилди;

суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқарувининг ноёб кўриниши сифатида соҳани ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва унда белгиланган тадбирларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш суғурта бозорини жадал ривожланиши асосланди;

суғурта ташкилотининг электрон полисларни жорий этиш орқали суғурта хизматлари такомиллаштирилди;

суғурта ташкилотининг ягона ахборот тизимини интеграциялаш орқали суғурта бозорини рақамлаштириш таклиф этилди.

# ТАДҚИҚОТДА МЕТОДИКАСИ ТАВСИФИ

Суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини қўллаш бўйича илмий изланишларни амалга оширишда таққослаш, солиштирма таҳлил, умумийликдан хусусийликка интилиш, мантиқий кетма-кетлик, илмий изчиллик, тизимли таҳлил, эксперт баҳолаш, статистик кузатув каби умумэътироф этилган тадқиқот методларига асосланилди. Тадқиқот ишини амалга оширишда лойиҳаларни бошқаришда қўлланиладиган халқаро стандартлар ва моделлардан самарали фойдаланилди.

# ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини қўллаш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти суғурта иши, суғурта назарияси ва амалиёти, замонавий суғурта технологиялари фанларининг назарий қоидаларини бойитишда намоён бўлади. Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти эса мамлакатимизда суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини, хусусан, РМІ РМВОК моделини қўллаш бўйича халқаро стандартларни қўллашда, унинг норматив-ҳуқуқий асосларини шакллантиришда фойдаланилиши билан белгиланади.

## ХУЛОСА ҚИСМИДА,

Суғурта фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш механизмлари, қонунчилик асослари ва методологик жиҳатлари тадқиқотчилар томонидан чуқур тадқиқ этилганлиги, суғурта хизматлари соҳасида лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун ресурсларни бошқаришдан ташқари лойиҳа таваккалчиликларини ҳам бошқариш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Лойиҳа таваккалчиликларини бошқариш эса ноаниқликларнинг лойиҳага салбий таъсирини камайтириш имкониятини беради.

Тадқиқот ишида суғурта ташкилотларининг бизнес-моделини яратиш ва такомиллаштириш лойиҳа бошқарувининг бир шакли сифатида қаралди. Диссертацияда суғурталовчи бизнес-моделини лойиҳалаштиришнинг ўзига хос жиҳатлар очиб берилди. Хусусан, суғурта ташкилоти бизнес-моделини лойиҳалаштиришнинг босқичлари таҳлил этилди ва бизнес-моделни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

# ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, олтита параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

<b>Илмий раҳбар</b>	_____ Алиқориев О.Ф.
	(ИМЗО)
<b>Магистрант</b>	_____ Усмоналиев Б.У.
	(ИМЗО)

# ДИССЕРТАЦИЯНИНГ КИРИШ ҚИСМИ

# КИРИШ ҚИСМИНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги  
Тадқиқот мақсади.

Тадқиқот вазифалари.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили).

Тадқиқот объекти ва предмети.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Иш тузилмасининг тавсифи.

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Глобал миқёсда суғурта хизматлари соҳасининг олдиндан кўриб бўлмайдиган турли табиий офатлар, техноген фалокатлар оқибатида аҳоли, корхона ва ташкилотларга етказилган зарарни қоплашнинг самарали воситаси сифатидаги роли янада ортиб бормоқда. Сўнги йилларда глобал суғурта мукофотлар ҳажми бир неча триллион АҚШ долларидан ошиб кетди. Swiss RE халқаро тадқиқот марказининг маълумотларига кўра, 2018 йилда жаҳон суғурта хизматлари бозори бўйича йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми 5 193,0 млрд. АҚШ долларини ёки дунё ЯИМнинг 6,1 фоизини ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил 10 июль куни суғурта масалаларига бағишланган йиғилишда ушбу соҳанинг иқтисодиётдаги аҳамияти хусусида тўхталиб, шундай деган эди: “Суғурта хизматлари иқтисодиётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир. Бироқ мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча катта эмас. Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Таққослаш учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади”.

Шу сабабли, Республика суғурта бозорини ривожлантириш бўйича муҳтарам Президентимизнинг 2019 йил 2 августдаги тегишли қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарор билан суғурта бозорини 2019 - 2020 йиллар мобайнида ривожлантириш бўйича Йўл харитаси тасдиқланган. Шунингдек, ушбу қарор билан, 2019 - 2022 йилларда Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш кўрсаткичлари тасдиқланган. Унга кўра, 2022 йилга келиб суғурта хизматларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 2 мартага, суғурта мукофотининг аҳоли жон бошига нисбатан 3 мартага ҳамда жами суғурта мукофотлари ҳажмини эса 3,3 мартага ошириш мақсад қилинган.

Бироқ, ҳозирги кунда мамлакат суғурта хизматлари бозорида лойиҳаларни бошқаришнинг халқаро стандартлари қўлланилмайди. Уларни жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган. Суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини қўллаш бўйича малакали мутахассислар етишмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларнинг мавжудлиги биз танлаган магистрлик диссертацияси мавзуси долзарб эканлигидан далолат беради.

**Тадқиқот мақсади.** Суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мазкур магистрлик диссертациясининг мақсади ҳисобланади.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини қўллашнинг зарурлиги ва назарий-услубий асосларини ўрганиш;

суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқарувини амалга оширишга доир мавжуд амалиётни таҳлил қилиш;

суғурта хизматлари соҳасида халқаро амалиётда қўлланилаётган лойиҳа бошқаруви моделларини таҳлил қилиш ва Ўзбекистон суғурта хизматлари бозорида уларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон шароитида суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқарувининг PMI PMBOK моделини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Бизнинг республикамизда ҳозирги вақтда халқаро даражада қўлланиладиган лойиҳа бошқаруви моделлари, деярли қўлланилмайди. Лойиҳаларни бошқариш бўйича миллий стандартлар ҳам ишлаб чиқилмаган. Суғурта хизматлари соҳасида бир қатор лойиҳалар амалга оширилган бўлишига қарамай, ушбу соҳада ҳанузгача лойиҳаларни бошқаришнинг халқаро моделлари қўлланилмаган. Суғурта хизматлари соҳасига янги инновацион хизмат турлари, суғурта фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш, суғурта бозорини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа бошқарувини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

## **Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили).**

Суғурта хизматлари соҳасида хорижлик олимлар А.Манэс, Д.Бланд, В.В.Шахов, В.И.Рябкин, Т.А.Федорова, Т.А.Меребашвили, Д.С.Лопаткин, В.А.Зеленчук, Е.И.Ивашкин, М.Л.Бурлакова, А.А.Алексеев, А.Л.Лелчук, А.А.Гвозденко, В.Б.Гомелля, Ю.Б.Рубин, В.И.Солдаткин, И.В.Логвинова, Р.Т.Юлдашев, К.Г.Воблый, К.Е.Турбина, В.Н.Дадьков, Ю.В.Пинкин, М.Н.Куликова, В.М.Бартош, А.Н.Рябчиков, С.Г.Скакун ва бошқалар фундаментал аҳамиятга эга илмий-тадқиқот ишларини амалга оширганлар. Масалан, Д.Бланд “Insurance: Principles and Practice” номли илмий асарида суғуртанинг асосий принциплари, суғурта бизнесини амалга ошириш тартиби, мулк ва автомобиль суғуртаси каби мавзулар бўйича ўз қарашларини баён этган. К.Е.Турбина эса “Теория и практика страхования” номли ўқув қўлланмасида миллий иқтисодиётда суғуртанинг тутган ўрни, суғурта назариясининг асослари, суғурта фаолияти иқтисодиёти каби масалаларни ёритган.

Ўзбекистонлик олимлардан Т.К.Иминов, С.А.Умаров, Ш.Б.Имомов, М.Мирсадиков каби олим ва мутахассислар суғурта фаолиятининг айрим қирраларини тадқиқ этганлар. Жумладан, С.А.Умаров “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш” мавзусида иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида суғуртанинг моҳияти, унинг ривожланиш босқичлари ва суғурта фаолиятини бошқаришнинг ўзига хос томонларини тадқиқ этган.

Бироқ, мамлакатимизда суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқарувини қўллаш масалалари бўйича тадқиқот ишлари буткул амалга оширилмаган. Шу нуқтаи назардан, ушбу магистрлик диссертацияси ишини бу борада амалга оширилаётган илк илмий иш сифатида қараш мумкин.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқотнинг объекти бўлиб, суғурта хизматлари соҳасида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини қўллашда вужудга келадиган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини қўллаш натижасида:

суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлиги ва хизматлар сифатини таъминлаш бўйича бизнес-моделини ишлаб чиқиш таклиф этилди;

суғурта хизматларида лойиҳа бошқарувининг механизми ва лойиҳани амалга ошириш самарадорлигини баҳолашнинг комплекс алгоритми ишлаб чиқилди;

суғурта хизматларида лойиҳа бошқарувининг ноёб кўриниши сифатида соҳани ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва унда белгиланган тадбирларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш суғурта бозорини жадал ривожланишида асосланди;

суғурта ташкилотининг электрон полисларни жорий этиш орқали суғурта хизматлари такомиллаштирилди;

суғурта ташкилотининг ягона ахборот тизимини интеграциялаш орқали суғурта бозорини рақамлаштириш таклиф этилди.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.** Суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини қўллаш бўйича илмий изланишларни амалга оширишда таққослаш, солиштирама таҳлил, умумийликдан хусусийликка интилиш, мантиқий кетма-кетлик, илмий изчиллик, тизимли таҳлил, эксперт баҳолаш, статистик кузатув каби умумэътироф этилган тадқиқот методларига асосланилди. Тадқиқот ишини амалга оширишда лойиҳаларни бошқаришда қўлланиладиган халқаро стандартлар ва моделлардан самарали фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.**  
Суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини қўллаш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти суғурта иши, суғурта назарияси ва амалиёти, замонавий суғурта технологиялари фанларининг назарий қоидаларини бойитишда намоён бўлади. Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти эса мамлакатимизда суғурта хизматлари соҳасида лойиҳа бошқаруви моделларини, хусусан, РМІ РМВОК моделини қўллаш бўйича халқаро стандартларни қўллашда, унинг норматив-ҳуқуқий асосларини шакллантиришда фойдаланилиши билан белгиланади.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, олтита параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 92 бетни ташкил этади.

## Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

### Асосий адабиётлар

1. Collis J., Hussey R. (2003) Business Research 2nd edition, Palgarve Macmillan.
2. Saunders M., Lewis P., Thornhill A. (2009) Research Methods for Business Students. Fifth edition.
3. Robson C. (2011) Real World Research. Third edition.
4. Walliman N. (2011) Research methods: the basics. Taylor and Francis group. London and New York.
5. Добренъков В., Осипова Н. Методология и методы научной работы. М.: КДУ, 2012.
6. Кузьменко, Г. Н. Философия и методология науки: учебник для магистратуры / Г. Н. Кузьменко, Г. П. Отюцкий. — М. : Издательство Юрайт, 2014. — 450 с.
7. Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология научного исследования. М.: Либроком, 2015.
8. Шкляр М. Ф. Основы научных исследований. Учебное пособие для бакалавров / М. Ф. Шкляр. — 4е изд. — М.: Издатель скоторговая корпорация «Дашков и К°», 2012. — 244 с.

### Қўшимча адабиётлар

1. Баскаков А.Я., Туленков Н.В. Методология научного исследования: Учебное пособие. – К.: МАУП, 2004.
2. Орехов А.М. Методы экономических исследований: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009.
3. Сабитов Р.А. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Челяб. гос. ун-т. Челябинск, 2002.
4. Магистерская диссертация: методы и организация исследований, оформление и защита: учебное пособие / коллектив авторов ; под ред. В.И. Беляева. — 2-е изд., перераб. — М. : КНОРУС, 2016.
5. Очилов Б.Э. Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций. – Т.: ТашГИВ, 2009.
6. Сабитова Р.Г. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Дальневосточный гос. ун-т. Тихоокеанский институт дистанционного образования и технологий, Владивосток, 2005.
7. Болдин, А.П. Основы научных исследований: учебник для студ. Учреждений высш. проф. образования / А.П. Болдин, В.А. Максимов. М.: Издательский центр «Академия», 2012. – 336 с.
8. Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология: словарь системы основных понятий. М.: Либроком, 2015.

### Интернет сайтлари

1. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)
2. [www.springer.com](http://www.springer.com)
3. [www.e-library.ru](http://www.e-library.ru)



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАҲМАТ!!!**